



ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ:

ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАН ҲАМКОРЛИК ВА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг таклифига биноан жорий йил 2-3 май кунлари ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

3 май куни Берлин шаҳридаги Белью саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Федерал Президентга Германияга ташриф билан келиш таклифи ва кўрсатилган самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

Президентлар Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик мисли кўрилмаган суръатда ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Фаол сиёсий, гуманитар ва ишбилармонлик мулоқотлари давом этмоқда. Томонлар нуфузли халқаро институтлар, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Икки томонлама муносабатларни янада юқори босқичга олиб чиқиш муҳимлиги юзасидан яқдил фикр билдирилди.

Етакчилар савдо-иқтисодий, инвестициявий ва технологик ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини кўриб чиқдилар,

амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб олдилар.

Жумладан, кейинги йилларда товар айирбошлаш ва қўшма лойиҳалар сони икки баробар ошди. Иқтисодийташқиришда Германия инвестициялари ҳажми 5,5 миллиард еврога ташкил этмоқда, шундан 4 миллиард евро охириги бир неча йилда жалб қилинган.

Президентлар умумий қиймати 9 миллиард евродан зиёд бўлган савдо шартномалари ва инвестиция-технология битимлари имзоланиши билан жунланган ишбилармонлик тадбирларининг натижаларини олқишладилар.

Берлинда Ўзбекистоннинг Марказий Осий минтақасида барқарорлик ва фаровонлиқни таъминлаш борасидаги сазй-ҳаракатлари юксак баҳоланмоқда.

Шу маънода, Германия минтақасидаги ўзаро боғлиқлик лойиҳаларини, шу жумладан, Евроиттифоқнинг "Глобал дарвоза" ташаббуси доирасида қўллаб-қувватлашга тайёрлиги таъкидланди.

Томонлар минтақасида Афғонистондаги вазиятни инобатга олган ҳолда хавфсизликни таъминлаш, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш борасидаги

шерикликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини билдирдилар.

Афғон халқига манзилли гуманитар ёрдам кўрсатиш, бунда чегараолди Термиз шаҳрида яратилган замонавий инфратузилма имкониятларидан ҳам фойдаланиш муҳимлиги қайд этилди.

Маданий-гуманитар алмашинув масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Етакчилар Берлин шаҳрида Ўзбекистоннинг тарихий-маданий меросига бағишлаб ноёб кўргазма очилаётганидан мамнунлигини билдирдилар.

Ўзбекистонда немис тилини ўрганиш бўйича комплекс дастурни тайёрлаш, шу жумладан, мамлакатимиз худудларида Гёте институти фаолиятини кенгайтириш юзасидан келишувга эришилди.

Учрашув якунида Шавкат Мирзиёев Франк-Вальтер Штайнмайерни мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди.

Президент Шавкат Мирзиёев Германияга ташриф доирасида ушбу мамлакатнинг етакчи компаниялари ва молиявий институтлари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Германия томонидан тадбирда Германия иқтисодийоти Шарқий қўмитаси,

Германия – Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши, Германия энергетика агентлиги, "CLAAS", "Knauf", "Siemens Energy", "Lasselsberger", "Aurubis", "Linde Group", "Gunter Papenburg", "Falk-Porsche-Technik", "Mangold Consulting", "DB Engineering", "Landesbank", "Commerzbank", "KfW", "Deutsche Bank" каби ўттизга яқин энг йирик компания ва банклар раҳбарлари қатнашди.

Бундай форматдаги мулоқот илк бор 2019 йил январда, давлатимиз раҳбарининг ГФРга расмий ташрифи доирасида бўлиб ўтган эди.

Натижада Ўзбекистонда иқтисодий тармоқларини модернизация қилиш бўйича бир қатор юқори технологик лойиҳалар ишга туширилди, савдо-иқтисодий ва инвестициявий шериклик сезиларли равишда фаоллашди.

Ўзбекистон Президенти учрашуви очар экан, Германия билан муносабатларда юксак ишонч ва ўзаро ҳурмат қарор толганини алоҳида қайд этди. Юртимизда германиялик ҳамкорлар иштирокида умумий қиймати 5 миллиард евродан зиёд 60 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилмоқда.



Муносабат

ОРОЛБЎЙИ ЭНГ РИВОЖЛАНГАН ҲУДУДГА АЙЛанаДИ

Сўнги 5-6 йил ичида мамлакатимизда жуда кўп соҳаларда жадал ислохотлар олиб борилаётгани, энг асосийси, ушбу ислохотлардан кўзланган мақсад халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти фаровонлигини таъминлашга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Худудлар, шаҳар ва туманлар, маҳаллаларни ривожлантириш дастурлари доирасида асосий эътибор аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолини, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш, касб-хунарга ўргатиш орқали бандлигини таъминлашга қаратилмоқда.



Зухра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам 2017-2023 йиллардаги ривожланиш, халқ фаровонлигини ошириш йўлида амалга оширилган ишлар эътирофга лойиқ. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни биринчи марта БМТнинг юксак минбаридан туриб бутун дунё ҳамжамиятини Оролбўйи худудининг муаммоларига қаратди ва бу муаммоларни ечиш учун биргаликда ҳаракат қилишга чақирди. Бу чақирдиқ жуда кўп аъзо мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида БМТ шафелигида ташкил этилган Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик Траст жамғармаси ташкил этилди.

Сўнги 6 йил давомида Оролбўйи масаласи давлатимиз раҳбари томонидан БМТ минбаридан бир неча мартаба кўтарилди ва ҳар сафар илгари сурилган таклифлари инобатга олиниб, ушбу халқаро ташкилотнинг муҳим ҳужжатларига айлангани ҳам, сазй-ҳаракатлар амалга оширилаётгани ҳам айни ҳақиқат. Бугунги кунда Оролнинг қуриган тубида 1 миллион 700 минг гектарга яқин ўрмонзор барпо этилиб, саксовул ва бошқа шўрланиш ҳамда қургўқчиликка чидамли ўсимликлар қўчатлари экилди. Бу жараёнда бутун мамлакатимиз халқи жипс-лашиб ҳаракат қилди.



9 май — хотира ва қадрлаш куни

ҚОРАҚАЛПОҚ ҚЎШЧИНОРИ



Ибройим шоирнинг жон жўралари – Р.Ҳамзатов, Ч.Айтматов, М.Карим, Д.Қўгултинов 1989 йилнинг 30 майида яна бир бор Тўлепберген огага тасанно айтдилар. Устоз Кремль саройи минбаридан туриб жаҳон жамоатчилигига Орол фожиасини рўй-рост ошкор қилди. М.Горбачёвга қарата "Мабодо биз томонларга бориб қолсангиз, йўл четигаги тузларни қор деб ўйламанг. У бизларнинг пешонамизнинг шўридир. Яна бир гапни билиб қўйинг, бизнинг оналар бола-сини эмишига қўрқади. Чунки она сутги заҳарга айланмоқда!" деди.

...Қорақалпоқ қўшчинори ҳақидаги мақоламизда икки гужумнинг бири Ошиқ Аёз (Ибройим Юсупов)нинг ушбу ёруғ мисраларини келтиришни маъқул кўрдик:

Дарё бугун қайтса, эртага тошар,
Инсон бахтин кўриб қувончим ошар,
Шоир армон қилган авлодлар яшар,
Бир маҳаллар Бердақ юрган ерларда!..



Машҳурларнинг аёллари

Шоҳида ИСМОИЛОВА: Томоғабаннинг эътирофи – санъаткорнинг бахти

"Машҳурларнинг аёллари" лойиҳасининг бугунги меҳмони – катъиятли, шижоатли, ҳалол, адолатпарвар инсонлар образлари орқали томоғабанлар ҳурматини қозонган, ўзбек санъатида ўз муносиб ўрнига эга, эл-юрт муҳаббатига сазовор бўлган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Исмоиловнинг турмуш ўртоғи, ҳамкасби, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳибаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шоҳида ИСМОИЛОВАдир.



Мухлислари кўз ўнгига ҳамиша меҳрибон она, куюнчак опа ёки сингил, вафодор аёл сифатида гавдаланадиган актриса билан суҳбатимиз

оиладаги ва саҳнадаги бахтли ҳаёт сирлари, унда аёлнинг ўрни борасида бўлди.



ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ: ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАН ҲАМКОРЛИК ВА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Охири йилларнинг ўзида Германия инвестициялари ҳажми 4 миллиард еврога ташкил қилди, қўшма корхоналар сони икки баробарга кўпайди. Ўзбекистонда "CLAAS", "Knauf", "Gunter Papenburg", "Linde Group" ва "Falk-Porsche-Technik" каби Германия иқтисодийнинг "локомотивлари" муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон томонидан Бош вазир раислигидаги Германия – Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ҳамкорлики мунтазам мувофиқлаштириб боришнинг муҳим механизмига айланди.

Президентимиз ушбу ташриф давомида эришилган муҳим келишувлар ва истиқболга мўлжалланган режаларни амалга оширишда асосий ролни айнан ишбилармон доиралар ўйнаши мумкин ва лозимлигини қайд этди.

Хусусан, куни кеча ўтган Ўзбекистон – Германия бизнес-форуми доирасида саноат кооперациясини ривожлантириш ва технологик шериклики кенгайтириш бўйича 9 миллиард евролик янги савдо, молия ва инвестиция битимлари имзоланди.

"Яшил энергетика", транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, металлургия, сув таъминоти, қишлоқ ҳўжалиги, кимё, тоғ-кон, автомобиль, тўқимачилик, электротехника саноати ва бошқа йўналишлардаги катта лойиҳалар шулар жумласидан.

Банк-молия соҳасида Германиянинг "Deutsche Bank", "Commerzbank", "KfW" ва "Landesbank" каби энг йирик банклари билан лойиҳаларни молиялаштириш борасидаги ҳамкорлики кенгайтириш режалаштирилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон жаҳон иқтисодийётидаги кенг кўламли ва жиддий тебранишлар шароитида Германия бизнеси учун самарали ва ишончли макон бўлишига тайёрлигини таъкидлади.

Шу мақсадда инвесторлар учун зарур шароитлар ва ноёб имкониятлар, қўлай фискал тизим яратилган – солиқлар сони камайтирилди, ҚҚС ставкалари пайсантирилди, бир қатор боғжона боғлари бекор қилинди. Маъмурий ислохотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясига мувофиқ, хусусий мулк дахлсизлиги кафолатлари кучайтирилди, давлат ҳалол рақобат ва суд тизими мустақиллиги учун шароит яратишга оид қондалар аниқ мустаҳкамлаб қўйилди.

Эндиликда инвесторларнинг ҳуқуқлари таъминланиши ва уларнинг судда ҳимоя қилиниши давлат томонидан кафолатланиши алоҳида қайд этилди. Бундан бўён тадбиркорлар эмас, давлат идоралари ўз қарорларининг қонунийлигини исботлашга мажбур. Шунингдек, юзага келадиган ҳар қандай ноанчиқликлар инвесторлар фойдасига ҳал этилади.

– Хорижий инвестор Ўзбекистон деганда, биринчи навбатда, барқарорлик, ишончлик ва келажак учун хотиржамликни кўз олдига келтириши лозим, – деди Шавкат Мирзиёев. – Ҳар бир Германиялик тадбиркор мамлакатимизда ўзини эркин ва дадил ҳис этиши учун барча шароитларни яратишга тайёрми. Германиянинг илғор ишланмалари ва инновацион технологияларни Ўзбекистонда ресурслари ва инсон салоҳияти билан бирлаштирсак, катта натижаларга эриша оламиз.

Тадбиркорлар билан мулоқот Германия бизнес ҳамжамиятининг ҳамкорлики ривожланти-



ришга қизиқиши катта эканини яна бир бор намойиш этди.

Фикр алмашиш чоғида ГФР ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг амалий аҳамиятини юксак баҳолаб, бу юртимизда инвестициявий фаолият юритиш бўйича Германия бизнесининг энг дадил ва узоқ муддатли режаларини рўйбга чиқаришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Учрашувда Германия компаниялари раҳбарлари аниқ тақлифларини айтиди. Устувор соҳаларда жорий технологик ва инновацион ечимларни қўриб қолган ҳолда амалий ҳамкорлики давом эттириш ва кооперацияни кенгайтиришга тайёрлигини билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев Германия бизнеси вакилларига долзарб ташаббуслари учун самимий миннатдорлик билдириб, мулоқот мазмунли бўлганини мамнуният билан қайд этди ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш, умуман, ташриф доирасида эришилган келишувларни амалга оширишни назарда тутувчи "йўл харитаси"ни тасдиқлашга топшириқ берди.

Германияга ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер Берлин шаҳридаги жаҳонга машҳур Жеймс Симон галереясида "Ўзбекистоннинг археологик хазиналари. Македониялик Искандардан Кушонлар салтанатига" номли ноёб кўргазмани очдилар.

Давлатимиз раҳбари кўргазманинг очилиш маросимида икки мамлакатда халқларимизнинг бой маданий мероси ва бугунги ютуқларига қизиқиш ортиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Ўзбекистонда Гёте, Гейне, Шиллер, Томас Манн, Ремарк ва кўплаб бошқа адибларнинг улмас ижодини, Бах, Бетховен, Штраус, Вагнернинг аjoyиб мусиқасини яхши билишади ва қадрлашади.

Худудидан Европага элтувчи қадимги қарвон йўллари ўтган Ўзбекистоннинг тарихи билан Германия жамоатчилиги яхши таниш.

Асрлар давомида Буюк Ипақ йўли савдо, фан, маданият ва санъат ривожига улкан ҳисса қўшиб келган, маданиятлараро мулоқотга, маънавий қадриятлар алмашинувига, прогрессив ғоялар шаклланишига, интеграция ва ҳамкорликка,

тинчлик ва бунёдкорликка, бағрикенглик ва тотувликка хизмат қилган.

Буюк шoir Гёте ўзининг "Ғарбий-шарқий девон" шеърли тўпламида қўхна Самарқанд ва Бухоро гўзаллигини тараннум этган бўлса, атоқли бастакор Гендель "Тему" операсини яратган.

Кўргазманинг очилиши Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги маданий алоқаларда диққатга сазовор воқеа бўлди. Унинг ўтказилиши ҳақида Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг 2019 йил майдаги Ўзбекистонга ташрифи чоғида келишилган эди.

Қарийб тўрт йил давомида икки мамлакат археологлари, тарихчилари, санъатшунослари ва музей ходимлари тадбирни ташкиллаштириш устида фидокорона меҳнат қилди. Германиялик мутахассислар иштирокида 50 га яқин энг қимматли осори-атиқалар реставрация қилинди.

2024 йил 14 январь кунига қадар давом этдиган кўргазмада Берлин давлат музейлари тўпламларидан 65 та ва Ўзбекистон музейлари тўпламларидан 285 та экспонат намойишга қўйилган. Уларнинг қўли мамлакатимиз ташқарисида илк бор кўрсатилмоқда.

Кўргазма мамлакатимизнинг қадимий ва бой маданияти, бугунги Ўзбекистон ва Марказий Осиё ҳудудида жойлашган илк давлатларнинг милоддан аввалги VI асрдан милодий IV асргача даврни қамраб олган тарихи ҳақида сўзлайди.

Бу ердаги дурдоналар орасида Кушон салтанатининг Далварзентепа ва Ҳолчаён қўрғонларидан топилган асрларда, аскар ва бадавлат аёллар ҳайкаллари бор.

Ушбу бетақор экспозиция ташрифи буюрувчиларга Ўзбекистон тарихи билан танишиш, халқимиз мероси тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Тадбир Ўзбекистон ва Германия халқларининг янада яқинлашиши ва бир-бирини англашига, мамлакатларимиз ўртасидаги кенг мулоқот ва кўп қиррали ҳамкорлиқнинг ривожланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Германияга ташрифи муносабати билан икки мамлакат делегациялари аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари иштирокида қабул маросими бўлиб ўтди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Германия Федератив Республикасига ташрифи якунланди.

ЎЗА

ОРОЛЬБЎЙИ ЭНГ РИВОЖЛАНГАН ҲУДУДГА АЙЛАНАДИ

Чин маънода, Орольбўйи ҳудуди ижтимоий-иқтисодий, маданий ва инновацион жиҳатдан жадал ривожланиб бормоқда. Жумладан, қурилиш, янгилиниш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш тармоқларини янада кенгайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартитиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз томонидан Орольбўйи минтақасини "Экологик инновация ва технологиялар" ҳудуди деб эълон қилиш ҳақида БМТ Бош ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш тақлифи асосида БМТнинг резолюцияси қабул қилинганлиги, 2021 йилда ушбу тақлиф олтидан ортиқ давлат томонидан қўллаб-қувватлангани алоҳида эътирофга лойиқ.

Жорий йилнинг март ойида БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида ташкилотнинг сув масалалари бўйича конференцияси ўтказилди. Унда 2030 йилга қадар барқарор ривожланиш мақсадлари йўлида обихаёт орқали дунёни бирлаштириш, сайёраимиз фаровонлигида денгиз ва океанларнинг аҳамияти ҳамда ушбу муаммага қаратилган глобал ташаббуслар илгари сурилди. Бу ташаббуслар эса БМТга аъзо барча мамлакатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар спикерлари иштирокида кўриб чиқилди.

Конференция ишида тузилмага аъзо ташкилотлар қаторида юртимиз делегацияси ҳам фаол иштирок этди. Ушбу юқори даражадаги ялпи мажлисда мамлакатимиз делегацияси аъзоси Саида Мирзиёева БМТ минбаридан туриб Ороль денгизи фожасининг оқибатлари, уларни юмшатиш бўйича Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ва бу борадаги халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга мамлакатимизнинг етакчилиги тўғрисида алоҳида таъкидлаб ўтди.

Жорий йилнинг 30 март кунини давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасига амалий ташрифи ҳам айнан соҳаларда амалга оширилаётган ишлар билан янада яқиндан танишиш, мавжуд камчилик ва муаммоларни тизимли бартарф этишдан иборат бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасига амалий ташрифи давомида ҳудудда 6 та йирик корхона ишга туширилди. Улардан бири Кегейли туманидаги "Ақтуба текстиль" корхонаси йилига 3 миллион донадан ортиқ трикотаж ишлаб чиқариш қувватига эга ва бунинг учун Германия, Япония ва Туркиядан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. Натижанда, 500 та янги иш ўрни яратилган ҳамда йилига 6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

Президентимиз корхонадаги иш жараёнини кўздан кечириб, ишчи аёллар билан суҳбатлашди. Чекка ҳудудларда ҳам янги корхоналар очилаётгани, хотин-қизлар иш билан таъминланаётганининг аҳамиятини таъкидлаб, шу йўналишдаги ишларни давом эттириш бўйича мутахассисларга тегишли кўрсатма берди.

Шунингдек, корхонанинг ўзида касб-хунарга қайта тайёрлаш ўқув маркази ташкил этилган бўлиб, унда атрофдаги маҳаллалардаги ишсиз фуқаролар касб-хунарга ўқитилмоқда.

Хусусан, Беруний туманидаги "Беруний бугдой кластер" ҳамда "Райҳон аппарат", Қораўзак туманидаги "Қорақалпоқ цемент" заводининг 3-босқичи, Қўнғирот туманидаги "ККРаси кемикал", Нукус шаҳридаги "Азимут хотел", Тўрткўл туманидаги "Хозагро" корхоналарида жами 1100 та доимий иш ўрни яратилиши, натижада ишлаб чиқаришга 300 миллиард сўм, экспортга эса 20 миллион доллар қўшимча маблағ келтириши таъкидлаб ўтилди.

Сўнгги олти йил мобайнида ҳудудда 15 триллион сўм инвестиция ҳисобига 5 минг 300 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилиб, тадбиркорлар сони 2 бараварга ошди ҳамда 46 мингта доимий иш ўринлари яратилди. Натижанда саноати паст бўлган 6 та туманда ишлаб чиқариш 2-3 бараварга ошди.

Умуман олганда, қисқа вақт ичида Қорақалпоғистон Республикасига саноат 1,3 баравар ўсиб, 61 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айниқса, кимё, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, тўқимачилик, фармацевтика саноати маҳсулотлари тайёрлаш 2 баравардан зиёд ўсди.

Ўтган йили 31 августда давлатимиз раҳбарининг "Қорақалпоғистон Республикасига тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва тизимли дастури қабул қилинган эди. Шу муносабат билан 2023 йилнинг ўзида 670 миллиард сўм ва 340 миллион доллар маблағ ажратилди.

Тадбиркорлар фаолиятини янада кенгайтириш ҳамда жозибador бизнес муҳитини яратиш мақсадида фойда, айланмадан солиқ, ер ва мол-мулк солиқлари 2 баравар пайсантирилиб, ижтимоий солиқ 1 фоиз қилиб белгиланди. Бу орқали Қорақалпоғистоннинг барча тадбиркорлари ихтиёрида йилига 500 миллиард сўм маблағ қолиши таъминланди.

Фақат ушбу ҳудуд тадбиркорларига тижорат кредитларининг 75 фоизига Тадбиркорлик жамғармаси кафилиги берилиши белгиланди. Бу, албатта, соҳалар ривож учун янги имконият эшикларини очиб берди.

Давлатимиз раҳбари ташрифи давомида фаоллар билан учрашувда "Биз битта эл ва битта юртимиз! Ҳамма вилоятлар Қорақалпоғистонни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаган. Ҳар бир туманга вазирлар, вилоят ҳокимлари, идора ва банклар раҳбарлари бириктирилган. Бунинг натижалари барча туманларда қўринаяпти ва бу ишлар тўхтамайди", дея ўз ишончсини билдириб ўтди. Дарҳақиқат, бугунги кунда Қорақалпоғистоннинг ҳар бир туманида жуда катта ва кенг кўламли ишлар олиб борилаётган.

Президентимизнинг қорақалпоқ халқи фаровонлигини янада оширишга қаратилган учта янги ташаббуси қорақалпоқларни беҳад хурсанд қилди. Булур куйидагилар:

- Қорақалпоғистондаги 452 та маҳалланинг ҳар бирага тўғридан-тўғри 500 миллион сўмдан қўшимча маблағ ажратилади. Бунинг учун алоҳида Қорақалпоғистон маҳаллаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил қилиниб, унга жорий йилда 250 миллиард сўм йўналтирилади;
- кадастри йўқ 38 минг уй-жой ва кўчмас мулклар бўйича тегишли ҳужжатлар тайёрлаб берилади;
- аҳоли талабини инобатга олиб, жорий йилда 4 мингта уй-жой қурилади. Шунингдек, замонавий лойиҳа асосида 4 минг яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун 4 сотихдан ер ажратилади.

Бундан ташқари, иш ўринларини кўпайтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикасида 72 мингта расмий ишсиз борлиги, ҳар йили 43 минг ёш меҳнат бозорига кириб келаётганини ҳисобга олган ҳолда 193 мингта янги иш ўринларини яратиш ва Қорақалпоғистонни "ишсизликдан ҳоли ҳудуд"га айлантириш асосий мақсад қилиб қўйилди. Бу борада йирик корхона ва кластерлар, қончилик, олиавий тадбиркорлик, касаначилик ва қишлоқ ҳўжалигидаги имкониятлардан тўғри ва унумли фойдаланиш кўрсатиб ўтилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари мўл ва арзон бўлишини таъминлаш мақсадида 2022 йилда аҳолига 6 минг 600 гектар ер берилган эди, хусусан, бу йил ҳам қўшимча равишда 6 минг гектар ер ажратилди. Бу орқали сабзавот ва полиз маҳсулотларига бўлган эҳтиёж қопланади. Шунингдек, Бўстон каналини бетонлаш ҳисобига Эпикқалъа, Тўрткўл ва Беруний туманларида 100 минг гектар ерда сув таъминоти яхшиланади. Натижанда, дала четларида 36 минг гектар ерда қовоқ, узум ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилиб, 42 минг тонна деҳқончилик маҳсулотлари олинади.

Айни вақтда, Қорақалпоғистонда 51 та мактабда ўқувчилар сони меъёрдан 2 баравар кўпчили, 208 та маҳаллада ичимлик суви таъминоти яхши эмаслиги, 120 километр магистраль ҳамда энг серкватнов бўлган 600 километр ички йўлларни таъмирлаш зарурлиги, шу боис 9 та туманда мактабгача таълим муассасалари қуриш, мактаб ва шифоналарнинг жорий таъмирини, ички йўллар тармоқини яхшилаш, шу жумладан, иссиқлик таъминотига қўшимча маблағлар ажратилиши белгиланди.

Юқорида эътироф этилган амалий ишлар чин маънода Орольбўйи халқининг бугунги ва эртанги кунини фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Ҳудуддаги экологик қийинчиликларни халқимизнинг бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги орқали енгишимизга асло шубҳа йўқ. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда "Ороль чекинди, аммо инсон чекинмайди! Қорақалпоғистон энг ривожланган ҳудудга айланади!"

Фракция ййғилиши

Қонун лойиҳалари муҳокама қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг ййғилишида "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 208-моддасига қўшимча ва ўзгариш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси кўзгич кечди.

Таъкидланганидек, ҳозирги вақтда юртимиз касаба уюшмалари тизимида 34 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлар самарали фаолият кўрсатиб, соҳа бўйича 6 минг 700 дан зиёд ходим ва 300 мингга яқин фаоллар хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз касаба уюшмалари ўз сафларида 5,5 миллиондан зиёд ходимларни бирлаштирган энг йирик жамоат ташкилоти ҳисобланади. Унинг аъзолари сони доимий тарзда кўпайиб бормоқда. Шу боис ҳар йили 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари кунини республикамизнинг барча ишчи-ҳодимлари томонидан муҳим сана сифатида кенг нишонланади.

Лектин амалдаги қонунларда 11 ноябрь санаси ишланмайдиган байрам кунини сифатида эътироф этилмаган. Шунингдек, байрам тадбирларини ўтказишни ташкил этиш ҳамда ходимларни рағбатлантириш чораларини кўриш механизми белгиланмаган.



қаратилган қўшимча киритилмоқда.

Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ходимларнинг касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш тизимини янада кучайтиришга хизмат қилишини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватладилар.

Шундан сўнг, педагог ходимнинг жамиятдаги мақомини юксалтириш, унинг фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ва касбий камол топиши учун шароит яратиш ҳамда ҳуқуқий кафолатларини таъ-

минлаш мақсадида ишлаб чиқилган "Педагог ходимнинг мақоми тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Муҳокамалар чоғида депутатлар маъzur қонун лойиҳасининг қабул қилиниши педагог ходимларнинг жамиятдаги нуфузи ошишига хизмат қилишини таъкидлаб, қонун лойиҳаси юзасидан ўз тақлифлари, фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

– Ҳар жиҳатдан муқамал қонунлар, энг аввало, инсон манфаатларини таъминлаш, мамлакатни изчил таракқий топтириш, иқтисодий барқарорликни кафолатлашга

хизмат қилади, – деди Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Дилмурод Исмоилов. – Шу сабабли биз қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида бу масалага алоҳида эътибор қаратдик. Фракция аъзолари томонидан илгари сурилган бир қатор тақлифлар инобатга олиниб, қонун лойиҳасида ўз аксини топадиган бўлди.

Ййғилишда, шунингдек, бир қатор қонун лойиҳалари партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб қизгин муҳокама қилиниб, депутатлар томонидан маъқулланди.

МУҲТОЖ ОИЛАЛАРГА ИЖТИМОЙ ЁРДАМ БЕРИЛДИ

Партиянинг омма орасидаги ҳурмати, обрў-эътибори депутатлик корпусларининг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ эканини яхши англаган ҳолда халқ депутатлари Когон туман кенгашидаги “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи аъзолари самарали фаолият олиб бормоқда. Жумладан, депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан партиянинг “Муаммо билан юзма-юз”, “Бир ойда бир иш ўрни”, “Биз коррупцияга қаршимиз”, “Саховат – беназир кадрият” каби кўплаб лойиҳалари доирасида жойларда аҳолини кийнаб келаётган муаммолар ўрганилиб, уларнинг ечимини топишга эътибор қаратилмоқда.

Аҳолидан келиб тушган муражаатлар ҳамда партия лойиҳалари доирасида олиб борилган ўрганишлар довомида партия электорати бўлган таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги мавжуд муаммолар юзасидан халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида еттига, доимий комиссиялар йиғилишлари муҳокамага 31 та масала киритилиб, те-



гишли қарорлар қабул қилинди ва ижроси юзасидан депутатлик назорати олиб берилди. Шунингдек, фуқаролардан келиб тушган муражаатлар юзасидан тегишли ташкилотларга 90 та депутатлик сўровлари чиқарилиб, уларнинг ижроси ҳам назоратга олинди.

Депутатлик гуруҳи раҳбари Дилдора Муродова томонидан Когон туман 1-умумтаълим мактабида “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади” мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад ёшларни таълим-тарбияли ва юсак маданиятга бўлиб вояга етишишларида кўмаклашишдир. Депутат ташаббуси билан партиянинг “Адолат” сиёсий-ҳуқуқий ўқувлар кўни” лойиҳаси доирасида тумандаги “Баҳоуддин Нақшбанд” ва “Чолоки” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи хотин-қизлар иштирокида сиёсий ўқув йўлга қўйилди. Шунингдек, Когон туман Мустақиллик МФЙ худудидаги “Жалойир” ҳамда

“Эшматлар” қишлоқларида яшовчи бир гуруҳ фуқароларнинг худуддан ўтувчи йўлни таъмирлаш масаласида қилган муражаати депутатнинг саъй-ҳаракати билан ижобий ҳал этилди.

Депутат Худоёр Собиров томонидан партиянинг “Саховат – беназир кадрият” лойиҳаси доирасида бир қатор беминнат ҳоимлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, “Ўзбекистон” МФЙ худудида яшовчи шароити оғир Нигора Оstonованинг янги уйига эшик-деризалар ўрнатиб берилди. Шунингдек, депутат ташаббуси билан партиянинг “Саломатлик йўлида бирлашайлик” лойиҳаси доирасида тумандаги “Ўзбекистон” МФЙ худудида яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун бепул тиббий кўрик ташкил этилди. Бунда МФЙ худудида жойлашган 23-сон қишлоқ оилавий поликлиникаси шифокорлари маҳалладаги хонадонларга бориб, фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказдилар.

Депутат Василя Қодирова ҳоимчилигида “Адолатли қайнона”

кўрик-танлови ғолиблари учун Бухоро шаҳрига саёҳат ташкил этилди. “Сараён” кўчасида яшовчи 1-гуруҳ ногирони Раҳмон Жўраевнинг ногиронлик аравачасини олиш масаласида қилган муражаати депутат кўмаги билан ижобий ҳал этилди.

Депутат Шехроз Норвонинг кўмаги билан “Мустақиллик” МФЙ Наврўз кўчасида истиқомат қилувчи, вақтинча ишсиз Нилуфар Бўронова, Маржона Ҳаётова, Жавоҳир Худоёровага “Ёшлар – келажакимиз” жамғармаси ҳисобидан субсидия асосида асбоб-ускуна олиб берилиб, уларнинг иш билан бандлиги таъминланди. Депутатнинг саъй-ҳаракати билан Амин Акбаровга олий таълим муассасасининг контракт пули тўлаб берилди.

Бир сўз билан айтганда, Когон туманидаги депутатлик гуруҳимиз аъзолари халқ манфаати йўлида, партияимизнинг дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Бухоро вилояти кенгаши матбуот хизмати

Депутат аралашгач

Оилавий шифохона ҳам таъмирланди, ҳам жиҳозланди

Муборак туманидаги Сарик қишлоғи 2019 йил “Обод қишлоқ” дастурига киритилиб, кенг кўламли ободонлаштириш ва қурилиш ишлари амалга оширилган эди. Бироқ маблағ тўлиқ шакланмагани туфайли қишлоқдаги оилавий шифохона таъмирланмасдан қолиб кетганди.

– Қарийб тўрт йилдирки, оилавий шифохонамиз эътиборсиз ташлаб қўйилганди, – дейди оилавий шифохона бош шифокори Р. Тошпўлатов. – Тегишли идораларга муражаат қилдик. Афсуски, натижа бўлмади. Ҳеч қайси идора масъуллари бизнинг арзимизни тингелмади. Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Махфурат Хушвақтовага муражаат қилдик. У кишининг бевосита кўмаги ва саъй-ҳаракати билан қурилишга масъул ташкилотлар оилавий шифохонамиз таъмирланиши поёнига етказилиши учун маблағ беришди. Тез кунда оилавий шифохонамиз замонавий қиёфа касб этди. Истиш-совутиш тизими янгиланди. Беморларга тиббий хизмат кўрсатиладиган хоналаримиз тўлиқ замонавий жиҳозлар ва тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.



Биз оилавий шифохона ходимлари, қолаверса, бутун қишлоғимиз аҳли депутат Махфурат Хушвақтованинг элимизга нафи тегадиган муассасаларни барпо этиш, таъмирлаш ишларига кўрсатаётган ёрдамидан миннатдоримиз.

Қашқадарё вилояти кенгаши матбуот хизмати

МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Халқ депутатлари Қизирик туман Кенгаши депутатлик гуруҳи аъзолари аҳоли муаммоларини ўрганиб, уларга ижобий ечим топишда фаоллик кўрсатишмоқда. Депутатлик гуруҳи томонидан дастурий вазифаларни амалга оширишга қаратилган бир қатор партия лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш чоралари кўрилмоқда.

Гулноза ТУРСОАТОВА,
Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Депутатлар ҳар бир муражаатга эътиборни қаратиб, муаммоларга ўз вақтида ечим топилишига эришмоқдалар. Жумладан, депутатлик гуруҳи раҳбари **Чори Нормўминов** партиянинг “Муаммо билан юзма-юз” лойиҳаси доирасида тумандаги “Қишлоққозон” МФИда аҳоли хонадонларида бўлиб, фуқароларнинг муражаатларини тинглади. Мулоқотлар довомида бир гуруҳ фуқаролар маҳалладаги “Ўзбекистон” ва “Амир Темури” кўчалари абгор аҳволда эканлиги тўғрисида муражаат қилиб, амалий ёрдам сўради. Муаммони атрофлича ўрганиб чиққан депутат туман Ободонлаштириш бошқармаси раҳбариятига депутатлик сўрови юборди. Депутатлик сўровига ижобий жавоб қайтарилди. Айти пайтда мазкур кўчаларга шағал тўкилиб, асфальт ишлари якунланмоқда.

Депутатлик гуруҳи аъзоси Исҳоқ Тожиёв тумандаги “Гулбод” МФИда сайловчилар билан учрашув ўтказди. Аҳоли томонидан кўплаб муражаатлар бўлди. Ана шулардан бири маҳаллада трансформатор кам қучланиши эканлиги сабабли аҳоли хонадонларига электр энергиясини меъёрида етказиб бера олмаётганлиги, янги-сига алмаштириш зарурлиги ҳақида бўлди. Депутат муаммони ўрганиб чиқиб, туман Электр тармоқлари корхонаси раҳбариятига депутатлик сўрови юборди. Корхона раҳбарияти томонидан мазкур депутатлик сўрови ўрганилиб, “Гулбод” маҳалласига янги трансформатор ўрнатилиб берилди.

Шунингдек, депутат **Исҳоқ Тожиёв** томонидан “Гулбод” МФИда ўрганишлар олиб бориш чоғида маҳалладаги ичимлик суви қувурларининг яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги юзасидан депутатлик сўрови юборди. Депутат ара-



лашуви билан маҳаллада ичимлик суви қувурлари янги-сига алмаштирилди.

Депутатлик гуруҳининг яна бир аъзоси Саитмурод Аннамовнинг фаолияти ҳам эътиборга сазовор. Депутат томонидан тумандаги “Қорасув” МФИдаги ўрганишлар чоғида маҳаллада жойлашган 18-умумий ўрта таълим мактабида ўринлар сони камлиги туфайли қўшимча бинолар зарурлиги аниқланди. Мазкур масала юзасидан депутат туман Халқ таълими бўлимига ҳамда туман ҳоимчилиги мутасаддиларига муражаат билан чиқди. Мазкур муражаатга асосан мутасаддилар томонидан янги мактаб биноси қурилиши лойиҳаси режага киритилди.

Депутат томонидан мазкур маҳаллада бўлиб ўтган мулоқот чоғида фуқаролар электр симёғочлар яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги юзасидан муражаат қилишди. Депутат муаммо юзасидан туман электр тармоқлари унитар корхонасига муражаат қилди.



Айни кунда маҳалладаги симёғочлар алмаштирилмоқда.

Депутатлик гуруҳининг фаол аъзоларидан бири Шоқир Жўмаев тумандаги “Кунчиқош” МФИда истиқомат қилувчи аҳоли хонадонларига бориб, муаммоларни ўрганди. Юзма-юз мулоқотлар чоғида маҳаллада шаҳар марказига чиқиб йўлининг 7 километри таъмирталаб эканлиги хусусида фуқаролар томонидан муражаатлар бўлди. Депутат томонидан муаммо атрофлича ўрганилди. Натижада мазкур маҳалла “Обод қишлоқ” дастурига киритилди.

– **Депутатларнинг маҳаллалар ва чекка қишлоқларда кўчама-кўча, уйма-уй юриб, аҳоли талаб ва эҳтиёжларини ўрганиши, муаммоларини бартараф этиши туфайли худудларда сезиларли жонланши ва ўзгариш кузатилаётганини кўпчилики мамнун қилмоқда,** – дейди депутатлик гуруҳи раҳбари **Чори Нормўминов**. – Бугунги кунда аҳоли, хусусан,

сайловчилар билан доимий мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятининг устувор йўналишига айланди. Ана шундан келиб чиқиб, депутатлик гуруҳи йиғилишларида ўрганишлар асосида аниқланган камчилик ва муаммоларни ўрганиб, таҳлил қилиб, навбатдаги кенгаш сессиясида масалалар киритишни мақсад қилганмиз.

Дарҳақиқат, Қизирик туман кенгаши депутатлик гуруҳи бугунги янги-янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиб, айрим соҳа ва тизимларда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Депутатлар томонидан сайловчиларга бўлган эътибор партия фаолиятига бўлган ишонччи мустақамлайди. Шу билан бир қаторда халқни қийнаб келаётган муаммолар ўз ечимини топиб, инсонлар мушқули енгиллашади.

Устувор вазифалар белгилаб олинди

Бугунги депутат кечаги депутатдан тубдан фарқ қилади. Зеро, давлат ва жамият ҳаётига доир кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш, халқимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда сиёсий партия депутатларининг ўрни катта.

Мартаба ҚУВВАТОВА,
халқ депутатлари Тайлоқ тумани Кенгаши депутати

Юртимизда худудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий-ижтимоий соҳаларни қамраб олган кўплаб дастурлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли иш билан таъминлаш устувор вазифа этиб белгиланган. Айнан ушбу масалалар юзасидан “Адолат” СДП Тайлоқ туман кенгашининг депутатлик гуруҳи томонидан навбатдаги йиғилиш ўтказилди.

Депутатлик гуруҳи йиғилишида мансабдор шахслар ҳисоботлари эшитилди. Туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари **А.Сиддиқов**, туман Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ўринбосари **М.Тўраевлар** ўз фаолиятлари юзасидан маълумотлар бердилар.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, келгусида амалга оширилиши керак бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Фуқаролар ишли бўлишди

Халқ депутатлари Миришкор туман Кенгаши депутати **Сарвиноз Абдуллаева** 11-Аввона сайлов округи вакиллари билан учрашганида фуқаро **Мунира Шарипова** мутасадди идораларга бир неча бор муражаат қилишига қарамай ишга қира олмаётганлигини маълум қилди. Депутат муражаатни ўрганиб, фуқаро **Мунира Шарипованинг** “Жейнов” МФИдаги “Кичкинтой билагон” ДХШМТга ишга жойлашишига амалий ёрдам берди.

Тўлқин ХИДИРОВ,
Миришкор туман кенгаши раиси

Фуқаролар кўяётган ҳар бир масала ва муаммога жиддий эътибор қаратиб, ечимини топишга уринаётган депутат **Сарвиноз Абдуллаева** биргина ўтган ойдан оилалар ва хотин-қизлар муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, манзилли кўмаклашиш мақсадида маҳалла раиси, ҳоим ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспектори билан ҳамкорликда ишсиз бўлган 58 нафар хотин-қизларнинг ўзини-ўзи банд қилишга эришди. Тадбиркорлик билан шугулланиш исотида бўлган 23 нафар аёлга тикувчилик ва хизмат кўрсатиш йўналишларида кредит ажратилишига кўмаклашди. “Янги Жейнов” МФИ худудида истиқомат қилиб келаётган 36 нафар аёл депутат ташаббуси ва беминнат ёрдами туфайли “Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази” ўқув курсларида тикувчилик йўналишида ўқитилиб, сертификат билан таъминланди.

– **Энди тадбиркорлик билан шугулланман,** – дейди **Мухайё Қурбонова**. – Мен каби одамларнинг дардини эшитиб, ташвишларини ўрганиб, ёрдам бераётган “Адолат” СДП фаоллари ва депутат **Сарвиноз Абдуллаевага** миннатдорлик билдираман.

Кинотақдимот

Ўтган ҳафта Алишер Навоий номидаги киночилар уйи томошабинлар билан гавжум бўлди. Чунки ҳафта давомида бир қатор янги фильмлар намойиши бўлиб ўтди. Биз куйида томошабинлар ҳуқмига ҳавола этилган шундай бадий кинокартиналардан бири – “Судья” фильми ҳақида ҳикоя қилишни лозим топдик.

Саодат РАҲИМОВА,
“Adolat” мухбири

Сўзимизнинг аввалида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташаббуси, Киномотография агентлиги буюртмасига асосан “Дилшоҳ медиа” студияси томонидан суратга олинган “Судья” бадий фильми бошқа картиналардан нимаси билан ажралиб туришига тўхталиб ўтсак.

“Судья” фильми бош қаҳрамони Азиза тимсолида юртимизда фаолият олиб бораётган барча аёл судьялар образи умумлаштирилиб олинган, дейиш мумкин. Тан олиб айтиш керак, одатда биз кундалик ҳаётда кўриб ўрганган судья аёллар кўпчилигимизнинг кўз олдимида бироз қаттиққўл, бироз димоғдор ва яна бироз меҳри қаттиқроқ аёл тимсолида гавдаланади.

Аслида ҳам шундайми? “Судья” фильмини кўрган томошабин биринчи навбатда ана шу саволга жавоб излайди ва уни топади. Ишхонадаги судья хоним уйда эрталаб туриб ҳовли супурадиган оддий аёл, қайнона-қайнотанинг ҳурмати жойига қўядиган оддий келин, эрнинг инжиқликларини кўтарадиган оддий хотин, фарзандларининг эркаликларини кўтарадиган оддий она. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. “Судья” фильми ижодкорларининг би-



АЁЛ МАТОНАТИ



ринчи ютуғи томошабини ана шу оддий ҳақиқатга ишонтира олишганидир.

Судья либоси ва ҳакамлик курсисидидаги Азиза орзу-ҳавас, кўнгил майли, ўткинчи ишқ-муҳаббат дея оила аталмиш муқаддас мунчоқнинг ришталарини узиб, фарзандларидан воз кечаётган ота-оналар мижозаси ёки отасини хўрлаб, мол-мулк талашаётган ўғиллар ишини қонун доирасида кўрар экан, ҳамиша унинг кўз ўнгига ўзининг отасиз ўтган ёшлиги намён бўлаверади...

Истеъдодли ва иқтидорли ёш киносценаристлар Сардор ва Бобур Ҳамроевлар сценарийси асосида яратилган ушбу фильм Азиза образи орқали мазкур касб эгаларининг иш фаолияти ва шахсий ҳа-

ётини чуқур ёритиб берган. Фильм ижодкорлари томошабинлар назарида совуққон ва ҳис-туйғуга бегона кўринган судья аёлнинг ички кечинмаларини, айрим лаҳзаларда улар ҳам ҳаёт зарбалари олдида ожиз қолиши мумкинлигига ишонтира олишган.

– Судья аёл ҳаёти, иш фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу фильмда шу соҳада фаолият олиб бораётган опаларимиз ўз шахсий муаммоларини, ўз ҳаётини кўриши мумкин. Чунки унда судья аёл ҳар куни иш фаолияти давомида дуч келиши мумкин бўлган ижтимоий муаммолар ёритилган. Шу билан бирга, фильмда судья аёлларнинг ҳам бошқа фуқаролар сингари оиласи, фарзандлари, қайнона-қай-

нотаси борлиги, уларнинг хизматини қилиши, ҳурматини жойига қўйиши, шу билан бирга маҳалла-кўй олдида ўз обрўсини сақлаши, баъзи маҳалладошларининг тушунмовчиликларини бартараф қилиши – барча-барчаси қамраб олинган, – дейди биз билан суҳбатда фильмда бош қаҳрамон – Азиза ролини ижро этган актриса Шодия Абдуқодирова.

– Биз “Судья” фильми премьерасига турмуш ўртоғим ва қизим билан Фарғонадан келдик, – дейди томошабинлардан бири Раҳиммахон ҳожи она Маматова. – Фильмни томоша қила туриб кўнглимда бир қониқиш туйдим. Ниҳоят, бизда ҳам оила даврасида ўтириб, уялмасдан курса бўлади-ган фильмлар ишлана бошлабди.

Тўғриси айтганда, томошабинлар қайнона-келин, бой қиз ва камбағал йигит ёки аксинча, бой йигит ва камбағал қиз каби сийқаси чиққан мавзулардан чарчаб кетди. Бу фильмни кўриб, кўнгил майлига қулоқ тўтиб гулдай фарзандларини ташлаб кетаётган, бировларнинг оиласини бузаётган, бойлик илинжида жигарлари билан мерос талашаётганлар ўзларига керакли хулосани чиқариб оладилар, деб ўйлайман. Агар мен шу фильмнинг яратилиши жараёнида иштирок этганимда, шубҳасиз, унинг номини катта ҳарфлар билан ёзиладиган “Аёл матонати”, деб атаган бўлардим...

Хулоса ўрнида ўзининг “Кўқон шамоли”, “Аёл қисмати” каби бир

қатор фильмлари билан томошабин кўнглига кириб борган маҳорати режиссёр Дилмурод Масаидов, ёш киносценаристлар Сардор ва Бобур Ҳамроев, таниқли актриса ва актёрлар Эркин Комилов, Муҳаббат Абдуллаева, айниқса, судья аёл – Азиза ролини маромига етказиб ижро этган Шодия Абдуқодирова, грим устаси Зилола Собирова ва оператор Анвар Адилловларнинг маҳорати фильм савиясини янада юксалтирган десак, муболага бўлмайди. Биз фильм ижодкорларига томошабинлар олқишига сазовор бўлаган халқчил фильмлар яратишдек машаққатли ва масъулиятли ишларида ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

Жиноятга жазо муқаррар

СОЛИҚЧИЛАРНИНГ “СОЛИҚИ” НИМАГА ТУШДИ



А.Олтиев олий маълумотли, Олот туман давлат солиқ инспекциясида юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган. Унинг шериги эса шу туман Давлат солиқ инспекциясида солиқ назорати бўлими бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатиб келган.

Яшин НИЁЗОВ,
Жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар судининг раиси

Юртимизда тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиш давлат сиёсати даражасида кўтарилган бир пайтда Олот тумани ДСИ икки масъул ходими тадбиркорлик субъектларини солиқ солиш билан кўрқитиб, уларнинг мулкига эгаллик қилиш юзасидан жиноий режа тузишган.

А.Олтиев жиноий шериги Т.Иброҳимов билан олдиндан тузилган режага асосан ўтган йилнинг апрель ойи бошларида туманда фаолият олиб борувчи хусусий корхона раҳбари Б.Атамуродов билан учрашишди. Улар тадбиркорга тегишли бино-иншоотга нисбатан таъсирчан солиқ (каррали) механизм қўлланилганлигини, ушбу солиқ тўловлари қарийб 60 миллион сўм бўлишини маълум қилишди.

Шундан кейин солиқчилар тадбиркорни туман ДСИ маъмурий биносига чақиртириб, унга яна бир марта хусусий корхонасига тегишли бино-иншоотлари таъсирчан солиқ механизмига тушиб қолганлигини айтишди. Ҳаттоки унга компьютердан бино-иншоотларга ҳисобланган солиқ тўловларини кўрсатиб, ундан ушбу солиқ тўловларини ваколатли танишлари орқали бекор қилиш эвазига 300 АҚШ доллари беришни талаб қилишган.

Тадбиркорнинг аризасига асосан ўтказилган тезкор тадбирда Олот тумани ДСИ бўлим бошлиғи А.Олтиев келишилган 300 АҚШ долларини олган вақтида ашёвий далил билан қўлга олинди...

Суднинг ҳукмига кўра, А.Олтиевга 3 йил 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланди. Т.Иброҳимов эса 2 йил 6 ой озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинди.

Шундай қилиб, тадбиркордан “солиқ” ундирмоқчи бўлган солиқчилар қонуний жазога тортилди.

Таҳлиллар сўнгги йилларда фуқаролар ўртасида фирибгарлик ҳолатлари кўпайганини кўрсатмоқда. Аслида бировни алдаш гуноҳ. Қонун нуқтаи назаридан қараганда эса жиноят ҳисобланади. Яқинда судда шундай иш кўриб чиқилди.

Алишер ЖАЛИЛОВ,
Жиноят ишлари бўйича Яққасарой туман судининг раиси



Эндигина 30 ёшга кирган Ж.Тўраев фирибгарликни “касб” қилди. У ўзини тадбиркор деб кўрсатиб, одамларни чув туширишни одат қилди. Суднинг ҳукми билан унга бир неча марта синов муддати берилган. Сўнг эса озодликдан маҳрум этилган бўлса-да, бундан тегишли хулоса чиқармади. Ж.Тўраев ўтган йилнинг 15 февралда Яққасарой туманида жойлашган кафеларнинг бирида фуқаро Б.Халиповга “Спарк” русумли автомашинани бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олиб беришни ваъда қилди. Бироқ у ваъдасини бажармаган. Пулларни эса ўзининг эҳтиёжига сарфлаб юборган.

Шу ўринда жабрланувчининг суддаги кўрсатмасини келтирсак: – Кафеда официант бўлиб ишлардим. 2022 йилнинг январь ойларида кафега бир мижоз келди. У билан бир неча марта суҳбатлашдим. Ж.Тўраев ўзини машина олди-сотдиси билан шугулланганидан тадбиркор сифатида таништирди. Февраль ойининг бошларида мен унга машина сотиб олиш учун пул йўғиб юраганимни айтдим. Шунда у “сизга ёрдам қиламан, хоҳласангиз “Спарк” олиб бераман”, дея 1000 АҚШ доллари олди. Мен ишонтириш учун паспортимнинг нусхасига 1000 АҚШ доллар оланлиги ҳақида тилхат ёзиб берди. Ўзаро келишувимизга биноан мен ҳар ойда 300 доллардан бериб туришим керак эди. Хуллас, 10 000 АҚШ доллари берганимдан кейин “Спарк”ни меннинг номимга ўтказиб бериши керак эди. Бироқ у ваъдасини бажармади. “Бугун-эрта”, дея алдади. Орадан бироз вақт ўтиб, телефон апаратини ҳам ўчириб қўйди. Шундан кейин пулларни қайтариб олиш мақсадига ички ишлар органларига ариза билан мурожаат қилдим. Бугунги кунда Ж.Тўраевнинг оила аъзолари томонидан моддий зарар қопланган. Шу сабабли Ж.Тўраевга нисбатан ҳеч қандай даъвоим йўқ.



ШИПРАКАЙФ ХАЙДОВЧИ

пора бераётганида қўлга тушди

Одатда коррупция ҳақида гап кетганда, кўпчилик пора олаётган мансабдор шахсни тасаввур қилади. Аммо Жиноят кодексининг 211- ва 212-моддаларида назарда тутилган “Пора бериш” ҳамда “Пора олиш-беришда воситачилик қилиш” жиноятлари ҳам коррупция занжирининг бир қисmidир.

Баҳромжон БЕРДИЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг судьяси

Юнусобод туманида яшовчи Шаҳзод Яндашев (исм-шарифлари ўзгартирилган) ҳам оқибатини, моҳиятини била туриб пора бериш жиноятини содир этди. Гап шундаки, у 2022 йилнинг 26 октябрь кун эрталабдан “оқи”дан отиб олади. Кейин соат 10:00ларда шахсий “Нексия-3” русумли автомашинасига ўтириб, кундалик юмушларини бажариш учун йўлга чиқади. Яшнобод туманидаги 204-мактаб яқинида – Мирзо Улуғбек ва Махтумқули кўчалари кесилишида унинг ҳаракатлини Тошкент шаҳар ИИББ ИХХБ инспектори Мурод Нарзиевнинг эътиборини тартади. Инспектор тўхташ ишорасини беради.

Албатта, М.Нарзиев машинадан тушган заҳотиёқ ҳайдовчининг спиртли ичимлик ичганини сезади. Негаки Шаҳзоддан ароқ хиди гупиллаб аниқ турганди.

– Ичганмисиз? – деб сўрайди инспектор унинг қизариб кетган кўзларига қараб.

– Ҳа, – дейди Ш.Яндашев айбдорларча.

Шундан сўнг у спиртли ичимлик ичганлиги хусусида тушунтириш хати ёзиб беради. Мурод Нарзиев эса ҳуқуқбузарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 136-моддаси тартибда электрон маъмурий баённома расмийлаштирилади ва автомашинани жарима майдонига олиб боради. Бироқ ҳайдовчи маъмурий баённомани ижобий ҳал қилиб бериш ва ҳужжатларни судга юбормаслик эвазига инспекторга 300 АҚШ доллари миқдорига пора таклиф қилади. Бунга жавобан М.Нарзиев пора олиш-бериш Жиноят кодексининг 210- ва 211-моддалари бўйича жиноий жавобгарликка сабаб бўлишини айтиб, уни огоҳлантиради. Шунга қарамай, Шаҳзод Яндашев пул олиб келишини айтиб, уйига кетади.

Муроджон мазкур ҳолат юзасидан Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи номига билдирги билан мурожаат қилади. Натижада унинг мурожаати асосида тезкор тадбир ўтказилади. Яъни Ш.Яндашев соат 16:00лар атрофида жарима майдонига бориб, инспекторга кўнғироқ қилади. М.Нарзиев унга Тошкент вилояти ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида эканлигини айтади. Ҳуқуқбузар дарҳол айтилган манзилга етиб боради. Оқибатда у инспекторга 300 АҚШ долларини пора тариқасида бераётган вақтида тезкор ходимлар томонидан ушланади...

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди судланувчини Жиноят кодексининг 211-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топиб, қонуний жазога маҳкум этди.



ҚОРАҚАЛПОҚ ҚЎШЧИНОРИ

Ботир ҳам, шоир ҳам “дарёдек тўлиб оқини, сўзи халқига ёқиши” керак, деган эди сахро булбули деб ном олган қорақалпоқ халқининг улуг шоири Кунхўжа Иброҳим ўғли. Бугун қорақалпоқ адабиётининг кўшчинори, кўшбойтераги – Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов ҳамда Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергеновнинг доимо халққа бахшида бўлган баракали умрлари, олмос қирраларга эга бетакрор адабий мерослари хусусида баҳоли қудрат сўз юритишга жазм этдик.

Янгибой ҚўЧҚОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Маданиятимиз, бадий адабиётимиз равнақиға салмоқли улуғ қўша олган бу икки улкан сўз санъаткори ана шу табаррук тупроқнинг азиз фарзандлари ҳисобланадилар. Атоқли шоир И.Юсупов 1929 йилнинг 5 майида Чимбой туманининг Азат, атоқли адиб Т.Қаипбергенов Кегейли (ҳозирги Нукус) туманининг Шўрганбой овулида таваллуд топдилар, иккови ҳам бир арнанинг сувини ичдилар. Иккови ҳам ёзувчилар уюшмаси деган бағри гоҳи катакладек тор, гоҳи олам қадр кенг ташкилотнинг қозонида қайнаб ўсдилар. Ошиқ Аёз – И.Юсупов уюшмага 1956 йили, Т.Қаипбергенов 1957 йили қабул қилиндилар. Таниқли шоир Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмасига 1965-1980 йилларда, таниқли адиб 1980-2010 йилларда, яъни биринчиси 15 йил, иккинчиси 30 йил раислик қилдилар. Ўз она тили ва бошқа тилларда шоирнинг 50 дан, адибнинг 100 дан ортиқ мағзи тўқ китоблари чоп этилди. И.Юсупов Бердақ номидаги давлат, Ҳ.Олимжон номидаги адабий мукофотлар, қатор орденлар соҳиби. Т.Қаипбергенов СССР давлат мукофоти, Ҳамза, Бердақ номидаги давлат, М.Қошғарий, М.Шолохов халқаро адабий мукофотлари, бир неча орден ва медаллар соҳиби эди. Энг муҳими иккаласи ҳам сайёрамиздаги миллион-миллион нафар китобхонларнинг меҳрига сазовор бўлдилар. Бу ўринда бир жихатни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, ҳар қандай ижодкорнинг асарларини халқ билан бирга унинг ҳамкасблари ҳам ўқийдилар. Шоир ижодиға академик Ғ.Уломо, Зулфия, Қ.Кулиев, Р.Ҳамзатов, М.Луқонин, Э.Воҳидов, И.Ғафуров, адиб ижодиға академик А.Сахаров, А.Қаҳҳор, Ч.Айтматов, Ҳ.Ғулом, О.Ёқубов, А.Орипов, Ф.Насриддиновдек забардаст қаламкашлар юқори баҳо берган эдилар. Шоирнинг бебаҳо адабий меросида:

Мени ўз вақтида туққанинг учун,
Раҳмат сенга, замоним – деган сатрлар бор. Ҳар кимнинг ўз замони, ўз машаққати, ўз сўқмоғи бор. Шундай бўлса ҳам таъкидлашга мажбурмиз: шоир ва носирнинг замонавий қорақалпоқ адабиётида иккинчи тўлқин бўлиб дунёга келгани омад эди. Қорақалпоқ адабиётида ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида кўплаб ўтти шейрлар ва драмалар, қирқинчи йилларида бадий бакувват дostonлар ва ҳикоялар, эллигинчи йилларида бир қанча

қиссалар ва романлар ёзилишига қарамасдан, мазкур асарларнинг аксарияти социалистик реализм қолипига солинган эди. Бироқ қай йўсинда талқин қилинишидан қатъи назар қорақалпоқ поэзияси ва прозасида буй тиклаган кўшчинор – И.Юсупов ва Т.Қаипбергенов ушбу адабиётда янги даврни, жаҳон адабиёти томон қўлтир қадмаларни бошлаб берди. И.Юсупов ва Т.Қаипбергенов бадийати худди ўз замондошлари Шукрулло ва О.Ёқубов, Ч.Айтматов ва С.Эралиев, А.Нурпеи-сов ва Ж.Мўлдоғалиев, О.Отажонов ва Т.Жумагелдиев, М.Қаноат ва Ф.Муҳаммадиев, Н.Ҳазрий ва Б.Ваҳобзода, Я.Смеяков ва Ю.Бондарев каби пешқадам сўз усталари сафида ўз асрининг энг эзгу орзулари ва армонларини акс эттирдилар. Улар эстетик қарашлари ва бадий услублари билан сафдошлари орасида яққол ажралиб турадилар.

Бахт ва баҳорнинг доно куйчиси Ибройим Юсуповнинг “Бахт лирикаси” (1955), “Қунчиқар йўловчисига” (1959), “Кўнгил кўнгилдан сув ичар” (1971), “Беклигининг бузма сен” (1995), “Ҳаёт, сенга ошиқман” (1999), “Ҳар кимнинг ўз замони бор” (2004) шеърӣ тўплам-



Чингиз Айтматов ва Тўлепберген Қаипбергенов

лари, “Сахро орзулари” (1966), “Тумарис” (1974) дostonлари, “Умрбек лаққи” (1966), “Мангу булоқ” (1986) драмалари (китоблари ва асарларининг бир қисминигина санаб ўтдик) қорақалпоқ адабиётининг олтин хазинасидан ўрин олди. Ўзбек тилида чоп этилган “Раҳмат, сенга замоним” (1979), “Сўфитўрғай саломӣ” (2015), рус тилида босилган “Глаза ящерицы” (1973), “Стремлюсь всей душой” (1986), қирғиз тилида ўқирманларга тортиқ қилинган “Тала қыялдары” (1969), туркман тилида эълон қилинган “Эриклер гулланде” поэтик китоблари шоир

ўқувчилари жўғрофиясини янада кенгайтди. У ўз она тилига А.Навоий, А.Пушкин, У.Шекспир, Т.Шевченко, Абай, А.Тўқай асарларини маҳорат билан таржима қилди. Шоир ижоди ҳақида академиклардан М.Нурмуҳаммедов, М.Кўшчинов, Ж.Бозорбоев, таниқли мунаққид И.Ғафуров, фан докторлари ва номзодларидан С.Аҳмедов, К.Курамов, С.Баҳодирова, К.Алламбергенов, Т.Мамбетғиёзов, З.Бекбергенова ва бошқалар мағзи тўқ мақолалар ёздилар.

Кўшчинордан бири бўлган Тўлепберген Қаипбергенов қорақалпоқ прозасини асрий ўтовдан кенг олам саҳнига олиб чиқди. У биринчи қиссаси биланоқ атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг назарида тушган омадди ижодкор эди. “Бир совуқ томчи” (1956) деб номланган ушбу асарини устоз адибнинг ўзи ўзбек тилига таржима қилиб,



(Чапдан) Абдулла Орипов, Миртемир, Ибройим Юсупов ва Эркин Воҳидов

у пайтлари А.Мухтор бошқараётган “Шарқ юлдузи” журналида бостирди. Қисса қисқа вақт ичида ўндан ортиқ тилларга ўғирилди.

дейдилар. 1990 йили устоз нафақат Қорақалпоғистонда, балки Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб муҳаддас ҳаж зиёрати амалларини бажарди. Қайтиб келганида “Аллоҳнинг уйи олдида туриб, халқимга бахт, Оролимга сув сўрадим!” деди. Ва 1992 йили юрагидаги бор изтиробни “У дунёга отамга хатлар” қиссасига тўқди: “Балогардонимиз Оролнинг кўз юмичини бетоқат пойлаб ётган икки тилсиз ёв – Қорақум билан Қизилқумнинг авзойини ўз кўзим билан кўриш мақсадида уларнинг қошига бордим. Дарҳақиқат, бу тилсиз ёвлар алланечук жонлиб қолишган. Оч бўридек кўришган жонзотни ғажийман, деб тиш қайраб туришибди. Қумбўрон кўз очирмайди”. Асар тезлик билан жаҳоннинг кўплаб тилларига ўғирилди. Қисса учун адибга М.Шолохов мукофоти берилди. Адиб Туркiston халқлари маданиятлари ассоциациясининг меъморларидан бири, фонд бошқарувининг раиси бўлди...

Қорақалпоқ кўшчинори ҳақидаги мақоламизни икки гужумнинг бири Ошиқ Аёзнинг ушбу ёруғ мисралари билан яқинлаштириш маъқул кўрдик:

Дарё бугун қайтса, эртага тошар,
Ирсон бахтин кўриб қувончим ошар,
Шоир армон қилган авлодлар яшар,
Бир маҳаллар Бердақ юрган ерларда!..

лан ўқиди. Натижада 1960 йили “Сўнги ҳужум” романи, 1966 йили “Қорақалпоқ қизи” дилогияси, 1976 йили “Қорақалпоқ дostonи” трилогияси, 1985 йили “Қорақалпоқнома” роман-эссеси, 1986 йили “Кўз қорачиғи” романи қорақалпоқ китобхонига армуғон бўлди. Улар бугунги кунда жаҳоннинг қирқдан ортиқ тилларига ўғирилган. Т.Қаипбергенов прозаси ҳақида атоқли замондошларидан Ч.Айтматов, А.Орипов илиқ фикрларини битдилар. “Қорақалпоқнома” китобига О.Ёқубов сермазмун сўзбоши ёзди. Истеъдодли адабиётшунослардан П.Шермуҳаммедов, П.Нуржанов, М.Ломунова ва бошқалар адиб бадийати тўғрисида алоҳида монографиялар ёзишган.

Т.Қаипбергенов бутун умри бўйи машаққатдан роҳат излаган фидойи инсон эди. 1980 йилнинг баҳорида қорақалпоқ ёзувчилари адибни ўз уюшмаларига раис этиб сайладилар. Албатта, бу унинг тенгдоши, дўстлари, яқинлари учун ўнғай ечим бўлмади. Кўп ўтмай Қорақалпоғистонда Доғистон адабиёти ва санъати кунлари бўлди. Тантанана Тўлепберген оға атоқли шоир Расул Ҳамзатовга элимизнинг бир сиқим тупроғини тортиқ қилди. Доғистон донишманди “Бу мен учун бир ҳовуч олтиндан минг бора қадри!” деди. “Қорақалпоқ дostonи” трилогияси минтақалардан минтақаларга кириб борди.

Кончи конини тушунади, дейдилар. Ибройим шоирнинг жон жўралари – Р.Ҳамзатов, Ч.Айтматов, М.Карим, Д.Қўгултинов 1989 йилнинг 30 майида яна бир бор Тўлепберген оғага тасанно айтдилар. Устоз Кремль саройи минбаридан туриб жаҳон жамоатчилигига Орол фожиасини руй-рост ошқор қилди. Жаноб М.Горбачёвга қарата “Мабодо биз томонларга бориб қолсангиз, йўл четигаги тузларни қор деб ўйламагун. У бизларнинг пешонамизнинг шўридир. Яна бир гапни билиб қўйинг, бизнинг оналар боласини эмизмишга кўрқадик. Чунки она сўти загарга айланмоқда!” деди. Уша сўзедда қатнашган яна бир устозимиз, қахрамон шоир Абдулла Орипов “Тўлепберген оға ўша аччиқ гапларни айтганида Сибирь дарёларини бизга буриш ишига қарши бўлган Сергей Залигиннинг ранглари оқариб кетди”, деган эди. Академик А.Сахаров “Знамя” журналида Тўлепберген оғанинг нутқини “анжуманнинг энг драматик чиқиши”, деб баҳолади.

Кўнгли очикнинг йўли очик,

Қадриятлар ҳамиша улуғ

Хотира ва қадрлаш – халқимизнинг асрий қадриятлари, улуг фазилатларидан. Эл-юртининг тинчлиги, осойишталиги, эркин ва озодлиги учун курашган инсонлар ҳамиша халқимиз ардоғидадир. Ана шундай мардлик ва жасорат намунасини кўрсатганларга, жанг майдонларида жонини фидо қилган боболаримиз, сабр-бардош билан катта қийинчиликларни енгиб ўтган нуруний момола-римизни шарафлаш, хотирасини абадийлаштириш, уларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш мустақиллик йилларида янгича маъно-мазмун билан бойиди.



Мухиба БОБОБЕКОВА,
“Адолат” СДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси

Бу жихатлар юртимизда кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирларда, она диёримизни, халқимизнинг озодлиги ва истиклолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи юрдошларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик, ҳурмат-эҳтиромда янада яққол намоён бўлмоқда. Халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат барча байрамларимиз сингари “Хотира ва қадрлаш кунини” мисолида ҳам ёркин намоён бўлади. Инсон – ҳаёт гултожи. Унинг қадр, ҳурмати ҳар доим эъзозга лойиқ. Халқимизга хос ҳислатлар ҳақида гап кетса, албатта, қадр-қиммат, меҳр-оқибат каби фазилатлар тилга олинади. Кексаларни ардоқлаш, кўмакка муҳтожларнинг ҳурматини жойига қўйиш қон-қонимизга сингиб кетган фазилат. Айниқса, ўтганларни хотирлаш, азиз отахон-онахонларнинг дуосини олмоқлик саодати ўзгача. Хотира шундай руҳий-маънавий қудратки, у инсоннинг инсонлигини англатувчи, уни ўтмиш ва истиқбол билан боғлаб турувчи буюк қадрият. Хотирлаш халқ манфаати учун курашган, эл-юрт ҳурматиға сазовор бўлган кишиларни эслашдир. У оламдан ўтган аждодларни эслашга эмас, асрлар мобайнида Ватан учун курашда ҳалок бўлганлар хотирасини ҳурматлаш ҳамдир.

9 май – Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан халқимизнинг эзгу фазилатлари янада ёркин намоён бўлади. Жумладан, партиямиз томонидан ҳам кўплаб лойиҳалар амалга оширилиб, байрам кунини Иккинчи жаҳон уруши даҳшатларига гувоҳ бўлган отахонларимиз, юзу кўзида нури бор нурунийларимиз ҳамда бемор ётган ёши улуг нурунийларимиз ҳолидан хабар олинади.

Ёшлиқнинг навқирон чоғларини уруш оловларида, жанггоҳларда ўтказиб, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимиз учун курашган инсонлар жасорати бекиёсдир.

Шу ўринда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юрдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўз-лигини йўқотмаган, имони бутун юрдошларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланди. Бу ҳол ёшларни юртпарварлик, меҳнатсеварлик, аждодларнинг энг яхши анъаналаридан фахрланиш, уларга муносиб ворислар бўлиш руҳида тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга. Кечаги кун сабоқларини, халқимиз келажаги йўлида жонини фидо қилган инсонларни хотирлаш бугунги кунимизни қадрлашга ўргатади. Хотира бу – тарихдир. Зеро, ўтганларни эслаш, қабрларини зиёрат қилиш ва уларнинг ҳақларига дуо қилиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

15 май – Халқаро оила кунини



Ўқувчи — оила — мактаб

Алижон ЖўРАЕВ,
Йўчи туманидаги 11-мактабнинг Ижодий-маданий ишлар бўйича тарғиботчиси

Ўтган йиллар мобайнида юртимизда оила тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, жамиятда тугган ўрни масалаларида алоҳида эътибор қаратилиб, барча ҳуқуқий асослар яратилди. Айниқса, аёллар ва болалар манфаатлари, саломатлигини ҳимоя қилиш, болаларнинг таълим-тарбия олишлари борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Оилада бола тарбиясини яхшилаш, уларга қонунда белгиланган имтиёзларни тушунтириш, ўсиб келаётган ёшларни кунунга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида мен фаолият олиб бораётган мактабда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Ёш ижодкорлар”, “Ёш тилшунос” ҳамда “Ёш мусаввир” тўғрақларига бадий ижодга рағбати бор, ҳаваскор қаламкашлардан 102 нафар ёш истеъдод эгалари жамланган. Улар истиқомат қилаётган оилаларда муҳит соғлом, бола улғайиши, таълим-тарбия олиши учун шароит бор. Тўғрақ аъзоларининг икки нафари бобо ва бувисининг тарбиясида. Боиси, ота-она ишлаб пул топиш мақсадида хорижга кетган. Болаларнинг иқтисодий таъминланганлик ҳолати яхши.

Бир ижодкор ўқувчимиз онасининг қарамоғида бўлиб, ногирон. Унинг аҳволдан мунтазам хабар олиб турилибди. “Ёш ижодкорлар” тўғраги аъзоларининг 27 нафар ҳаваскор қаламкашлари асарларидан таркиб топган “11-мактаб дурдоналари” китобига унинг ҳам шеърлари киритилди. Мактабимизнинг 10-синф ўқувчиси Зебо Эргашалиева, Милоҳат Собиржоннова ҳамда 9-синф ўқувчиси Милоҳат Насриддиновалар “Юрт келажиғи”, “Ватан тараққиётига менинг ҳиссам”, “Ёш китобхон”, “Таътилда китоб билан” ва бошқа танловларда иштирок этиб, юқори натижаларни кўлга киритиб келмоқдалар.

Ҳар бир боланинг оилада тинчи бўлса, ота-онаси, буви-буваси зукко бўлса, бу унинг бахтли келажаги учун ўзига хос имкониятдир.

Шоҳида ИСМОИЛОВА:

Томоғабаннинг эътирофи ~ санъаткорнинг бахти



Шоҳида она, муҳлисангиз сифатида ҳар гал сизни кўргананда юзингиздан таралаётган нурдан онанинг меҳрини туяман. Бошқа муҳлисангиз қалабда ҳам шундай туйғу бўлиши табиий. Бу меҳр остида қандай сехр бор?

Дарҳақиқат, ҳар бир онанинг юзида фарзандига нисбатан меҳр нури таралади. Оналик танаб бўлмайди. Она бу — ҳар биримиз учун муқаддас зот. Менинг юзимдаги меҳр нури онамдан мерос, деб ўйлайман. Онамини эслаганимда уларнинг чехрасидаги нур кўз ўнгимда зоҳир бўлади. Ичларида бўрон тугён урса ҳам юзларида ним табассум балқиб турарди. Гоҳида билиб-билмай ранжитиб қўйганимизда ҳам, "Ха-а болам-а, уйингга бўдўй тўлагу-а", деб қўядилар. Ана шундай онанинг қизиман мен.

Сизда актёрлик касбига муҳаббат уйғонишига нима сабаб бўлган?

Биз оилада тўрт нафар қиз бўлсак, ота-онамиз бизда китобга меҳр уйғотишган. Жапонларимиз китобга тўла бўлар эди. Уйимиздан газета-журналлар аримас эди. Айниқса, ёзуви, шoirларнинг роман, қисса ва шеърларини "Шарк юлдузи" журналади ўқирдик, ундаги монологларни ёдлаб олардик, кейин журналнинг бирорта сонини ташлаб юборамиздан тахаб, махсус жавонларда сақлаб қўярдик. Уйимиздаги китобларни ўқиб бўлган мактаб ва шаҳар кутубхоналарига бориб, китоб мутлоаа қилар эдик. Оиламиздаги бу муҳит бизни турли касбларга йўлади. Ота-онам ўқитувчи бўлишимни хоҳлардилар. Аммо адабиётга бўлган муҳаббат мени санъатга етаклади. Театр сахнасида роль ўйнашни орзу қилар ва шунга интилар эдим. Тошкентдек маданият марказида, зиёли оилада улаётган бўлсам ҳам онам санъаткор бўлишимни хоҳламамас эдилар. Оилали бўлган, санъат соҳасида фаолият юритишимга тўсқинлик бўлишини ўйлаган бўлсалар керак. Мактабни тугатиб, икки йил ёшлар етакчиси бўлиб ишладим ва шундан сўнггина санъат олийгоҳига ҳужжат топширишимни айтганимда, онам "берибир кира олмайдик-ку", деган ишонч билан рухсат бердилар. Аммо мен ўқитган китоблар олами, улардан олган сабоқ ва билимларим таалаба бўлишим учун барча йўллари очиб берди.

Маҳмуд Исмоилов билан турмуш қуришишга муҳаббат мевасими ёки тасо-дифийи?

Олийгоҳни аъло баҳолар билан тугатган, ҳозирги Ўзбек миллий академик драма театрига йўллама олиб чиқарканман, рўпарамдан чиққан Ўзбекистон хақ артисти Бахтиёр Ихтиёров менга ўз насаҳатларини бердилар: "Қизим, ҳали ёшсан, ёшлар театрида ишлагин, ўзингга пойдевор кургин, ундан кейин хоҳлаган театрига ишлайверсан", дедилар ва мен ортимга қайтиб, йўлланмамни ўзгартирдим. Бу бежиз эмас экан. Тақдир азал деган нарсаси бор. Шу театрда келдим ва бу ерда Маҳмуд Исмоиловни учратдим, у билан танишдим. Орадан вақт ўтиб, муносабатларимиз муҳаббатга айланди ва биз турмуш қурадик. Касб танабда ҳам, оила қуришда ҳам ҳаёт мени ўз сўқмоқларида адаштирмаганлигидан бағоят хурсандман.

Сиз келин бўлиб тушган оиланинг санъатга муносабати қандай эди?

Маҳмуд ақанинг оиласи — санъаткорлар оиласи эди. Раҳматан қайнотам Хусан Исмоилов Алишер Навоий номидаги катта опера ва балет театрида фаолият юритар, республикада биринчи бас овоз соҳиб эдилар. Оила-сидиғларнинг барчасининг санъатга, адабиётга меҳри баланд бўлиб, бир сўз билан айтиганда, уларнинг қарашлари, фикрлашлари бир хил эди. Бу эса биз, ёш оила соҳибларининг бахтимизга бахт қўшди.

Маҳмуд ака болалигидан ўткир зехли, тартиб-интизомли йигит бўлиб камол топганлар. Оиласида ота-онанинг хурмати баланд, фарзандларнинг бир-бирига меҳр-муҳаббати кучли, ўзаро муносабатлари хурмат асосида мустаҳкамланган эди. Шу томонлама оила-ларимиз жуда ўхшарди. Баки шу босидан тақдир бир-биримизга учраштирагандир.

Ҳаёт ҳамма равои эмас. Унинг пасту баланди бўлиши табиий. Ёш оиланинг бахтиёрлиги ёки аксинча, ўқитисодий қийинчи-ликлари нимагадан иборат эди?

Тўғри айтасиз, ҳаёт ҳамма бир текис давом этмайди. Унинг ўнқир-чуқурлари ҳам бор. Бизнинг вазиғимиз эса ана шу нотекис йўлларда ўзимизни, ўзатимизни, ақилларимизга



муҳримизни йўқотмасингиздир. Оладик, келишмовчилик, қарашлар, фикрлар қарама-қаршимли бўлади, бусиз иложи йўқ. Аммо биз муомаларни ҳамма ақл ва босқинлик билан ҳал қилганмиз. Мен ҳар қандай ҳолатда уйдаги эркак ўрнини аё, яъни мен боса омасангизми аниқ билардим ва ҳозир ҳам аёллик ўрнини яхши биламан. Оилада эрнинг мавқеи баланд. Буни аёлар фарзандлари яхши билса, хонадонда беҳуда тортишувлар, уриш-жанжаллар бўлмайди.

Ҳаётингиз давомида актёр билан сизнинг қарашларингиз ўртасида тафовутлар боришини ҳис қилганмисиз?

Тўғри, ҳар бир оилада тушунмовчилик, келишмовчилик, қарашлар, фикрлар қарама-қаршимли бўлади, бусиз иложи йўқ. Аммо биз муомаларни ҳамма ақл ва босқинлик билан ҳал қилганмиз. Мен ҳар қандай ҳолатда уйдаги эркак ўрнини аё, яъни мен боса омасангизми аниқ билардим ва ҳозир ҳам аёллик ўрнини яхши биламан. Оилада эрнинг мавқеи баланд. Буни аёлар фарзандлари яхши билса, хонадонда беҳуда тортишувлар, уриш-жанжаллар бўлмайди.

Машиҳурик ҳамма катта меҳнат ва оилада қимнингдир санъати қурбонлиги эвазиса бўлади. Баъзи эркаклар бу борада кўпинча оила ташвишлари ва болалар тарбияси баҳона, қанчалик истеъдодли бўлмасин, аёлини уйда ўтқизиб, ўзлари машхурик сари интилашади. Сизларда бу масала қандай ҳал этилган?



Ҳар бир санъаткор, албатта, машхурилик, таниқли бўлиши интилади. Бунга эса ҳар ким фақат ўз меҳнати ортидан эришади. Мен илк бор театрга келганимда Ўзбекистон хақ артисти Рихсиҳон Иброҳимова қарши олгандилар. Мен у ерда Сора-

хоним Эшонтураева, Наби Раҳимов, Яйра Абуллаева, Икромхон Болтаева каби қанчадан-қанча буюқ дарғалар билан ёнма-ён, ҳам-нафас бўлиб ишлаш саодатига мушарраф бўдим. Рихсиҳон Иброҳимова мени, тортиноқ, ёш қизини санъатнинг ўнқир-чўнқир йўллари-дан олиб ўтдилар. Маҳмуд ака ҳам ана шундай қийинчиликларни енгиб ўтдилар: дубляж соҳасида, кинода самарали ижодий фаолият олиб бордилар. Машхурик фақат меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат туғайлигина томоша-бин томонидан қилганидан улуғ эътироф-дир. Маҳмуд ака ҳам, мен ҳам ишимизга масъулият билан қараганмиз. Сен уйда ўтир, деган гаплар бўлмаган. Чунки оила тебратиб, рўзгоринг кам-кўстини тўдириб лоим эди. Юқорида айтганимдек, ишимизни икка-ламиз келишиб режалаштирдик, биримиз уйдалигимизда болаларга қарар, иккинчи-миз ишлардик ва ёки аксинча. Биз машхурик



учун эмас, ўз вазиғимизни бақарिश мақса-дида тинимсиз меҳнат қилдик.

Ҳаёт инсонга гоҳ аса, гоҳ заҳар тугади...

Ҳаётда ҳар бир инсоннинг бошида турли синовлар бўлар экан. Мен одада ўтми-шимдаги қора кунларни эслашни хоҳламай-ман. Бахтимизга соя солган кунлар қанчалик оғир бўлмасин, улар заҳрини бирга тотган-миз. Ота-оналаримизни йўқотишимиз ҳамда турмуш ўртоғимнинг оғир хасталикка ча-лингганимизки... Ҳаётимдаги энг яқин инсо-нимни йўқотишим мумкинлиги ҳақидаги ўй мени адоий тамом қилди. Ана шундай пай-ларда яқинларимизни меҳр-оқибатига мени суяб турди. Уч нафар қизим, куёварим ўғил бўлиб ёнимда туринди, кечалари касал-хонада ётиб, отасига қарашди. Ҳар қандай бемор бундай меҳрибонликдан куч олади ва

адарни енгиш учун ўзинда куч то-пади.

Умр зарварларингиздаги энг гўзал саҳифалар, бахтиёр кунларингиз ҳақида ўйлаганда нимагадир эсайсиз?

Аслида икки нафар бир-бири қадрайдиган инсоннинг оила қуришининг ўзи бахтли кунлар деб ҳисобланади. Қола-верса, фарзандларимиз туғилиши, уларнинг тўйлари, не-варалар ўқуришимиз ҳаётимизнинг энг ёрқин саҳифалари, бахтининг гўзал кўриниши бўлди. Чунки бундан тоғил-роқ нарсаси йўқ. Ҳар бир инсон ўқимаган китобидир. Уни, яъни жуфти ҳалолининг қалбидиғи ниятини ўқий олган, уқа олган инсон, албатта, бахтли бўлади.

Мухими, яхши кунларда биз ҳамма бир-биримизни севиб, ардоқлаб яшадик, ёмон кун-лар ортада қолишимиз эса ҳам-ҳижатликда, қўлини-қўлга бе-риб умид билан кутдик. Мен бахтли аёлман. Чунки Алоҳ менга меҳр-оқибатли инсо-нлардан иборат оила берди, бундай улуғ сийлов билан сийлагани учун Яратганга шукр қиламан!

Актёрнинг бошқаларга ўхшамаган жиҳатлари борми?

Ҳа, албатта бор! Маҳмуд ака оғир, бо-сиқ, ақли ва мулоҳазали инсон. Яратётган

ҳар бир образи унинг адолатли инсонлигини кўрсатиб туради. У киши ўз ижодларида ҳеч қачон қайсидир актёрга ўхшашга ҳаракат қил-маганлар. Бу тақдирга олиб боради. У киши ўз овози, ўз иқтидорини намоён қилишни — Маҳмуд Исмоилов бўлишни хоҳлаганлар ва бунга эришганлар ҳам. Тўғри, улуғ ижодкор-лардан ниманидир олишга ҳаракат қилар-дилар, аммо ижронини эмас. Ишга, ролага, сах-нага бўлган муносабатини, томошабинларга бўлган хурматини устозлардан ўрганганлик-ларини бот-бот такрорлайдилар. Аммо буюқ актёрларнинг биронтасининг тақдирини бў-лишни истамайдилар. Ҳар бир актёрнинг ўз "мен"и бўлиши лоим, деб ҳисоблайдилар. Баъзи бир санъаткорлар заода одам кам бўлса роанини тўлақонли ижро қилмайди, маромига етказиб ўйнамайди. Буни томошабин сезмас-лиги мумкин, аммо партнёр яхши англайди. Маҳмуд ака бунақа масъулиятсиз актёрларни



қалқон бўладилар. Баъзида оиламиз тотув-лиги чўп ташлашни ният қилганлар, тухмат қи-лувчилар ҳам топилади. Жуфти ҳалолим мени ундайлардан асраб юрдиладар.

Маҳмуд ака ўз касбидан тақдирини яна нимага қизиқадилар? Ёши вақтларини қандай ўтказадилар?

Инсон ҳаётда фақат ўз касби билан шугу-ланиши жуда зерикарли бўлса керак. Бир йи-гитга қирқ хунар оз деганларидек, Маҳмуд ака

устачиликка қизиқадилар. Ишдан бўш вақтлар-ида уйда бўзилган асбоб-ускуналар бўлса ту-затиб роҳатланиладар. Шунинг учун уйда уста чакирмайди. Аслида у киши мактабни туга-тиб, ҳарбийликка ўқимокчи бўлганлар, аммо ота-оналарининг қаршиликлари туғайли ор-зуларини қаттиқ эканлар. Қайнотам ўл-гининг актёр бўлишларини ҳам истамган: "Санъаткорда дўст бўлмайди", дер эканлар. Аммо Маҳмуд ақанинг синфдошлари газе-тада Островский номидаги театр ва рассо-мчи институтга талабаар қабул қилна-ётганини ҳақидаги эълонни кўриб: "Сен шу институтга ҳужжат топшир, онанга ухшаб санъаткор бўлсан зўр-ку", деб ҳужжатларини олайтоғга топширтиришган экан.

Маҳмуд ака дубляж жуда қизиқадилар, аммо спектакларда роль таналядилар. Бугунги сценарийлардаги саяёли у кишига маъқул эмас. "Мавзулар бир хиллиги, яъни, қайнона-келини, қудалар келишмовчилиги, шундан бошқа муаммо йўқми?" дейдилар кўпинчи. Уларга ўзлари роль ижро этган "Ту-таш тақдирлар", "Қўнғил кўчалари", "Қайтар дунё", "Опа-сингиллар" каби кенг қамровли, воқеаларга бой, фалсафий спектаклар ёқди.

Ойлаб давом этилган сёвмака жараён-лариде иштирок этишингиз лоим. Бунинг устига уйдан оиле ҳудудда. Бунга умр йў-дошингиз қандай қарайди?

Мана, бугун ҳам яна бир ижодий са-фардан келдим. Биз ижодкоримиз. Ҳамма бир-биримизни қўлаб-қувватлаганмиз. Ҳам-миша Маҳмуд ака ёки мен ойлаб ижодий са-фарларда бўламиз. Бундай жараёнларда фар-занд тарбиясини ҳам, рўзгор ташвишларини ҳам биримиз ўз зиммасига оламиз.

Сизга берилган совғалари ичиде энг ях-ишиси қайси?

Мен учун совғанинг катта-кичкилиги муҳим эмас. Менга берган эйтиборларнинг қадри баланд. Айниқса, ишдан тоғил-ке-дан вақтларим Маҳмуд ақанинг ширин таом тайёрлаб қўйганларини кўриб, биримиз бил-ганам. Бирга овқатланиб, узоқ суҳбатлашиб ўтирамиз. Ана шу ўтиришимизнинг ўзи мен учун ҳар қандай совғадан аъло.

Икки инсоннинг орасида тушунмовчи-лик қийинчи табиий. Сизларда бундай ма-салалар қандай ҳал қилинади?

Ҳеч қачон уйимизда қўшини эшит-адиган даражада жанжал бўлмаган. Аммо тушунмовчиликлар, майда-чуйда хато-лар бўлади. Бизнинг ёшимизда — уч қизнинг ота-ониси, уч қўвнинг қайнота-қайнонаси,

саккиз неваранинг бобо-бувиси сифатида уларнинг ютуқлари, бахтидан қўвониб, дуода, тинч-тотув ижодимизни қилиб ўтириш жуда тоғли.

Фарзандлар орасида ота-она касбига меҳр қўйганлари борми?

Қизларимиз болалиғида биз билан ижо-дий сафарларда кўп бўлган, касбимиз қийинчиликларини кўришган. Биз уларга касбни ўзлари эркин танабш имконини бер-дик. Аммо улар бовоша соҳаларини танабшган. Катта қизимиз Шарқшунослик институтида магистратураини тугатиб, ўртанча қизимиз руҳшунос, кичиги ўқитувчи. Уларнинг бар-часи иқтидорли, бир неча тилини билишади, ўз касбининг усталари эканлигидан гурурла-наман.

Аёлинг бахтли бўлиши учун нималар керак?

Аёлинг бахтли бўлиши учун кўп нарса керак эмас, оиласи тинч-хотирчан бўлса, оиласида хурмати, ўрни бўлса бас. Бугунги ёшларимизнинг фикри бошқача: бир кун-лик дабдалан тўйнинг орузсини қилишади. Аммо тўй ўтган, ҳақиқий турмуш бошланади. Бир-бирини тушуниб, хурмат қилиб, бир-бирининг айбини яшириб яшаш ҳам маҳорат-дир. Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетади, дейишади. Уруш-жанжал ари-маган майда-чуйда нарсаалардан бошланади. Икки ёш бир-бирини ардоқлаб яшаса, улар-дан бахтли одам бўлмайди.

Санъаткорнинг оиласи бошқа оила-лардан нима билан фарқланади?

Биз жуда кўп сафарларда, давраларда, одамлар орасида бўламиз, тинимсиз турли образлар яратамиз. Уларнинг турмуш тарзи билан танишамиз. Ҳар бирдан нимадир ўр-ганамиз, ибрат оламиз. Бу ўз-ўзидан ҳаётим-изда иб қолдирилади, бизга сабоқ бўлади. Мен ўз оиламизнинг ички ҳаётини, маданиятини, бир-биримизга меҳримизни бошқа оила-ларда кўрмайман. Санъаткор камгап, камта-рини, синчков, кузатганларидан чиройли ху-лоса чиқарадиган маданиятли инсон бўлиши керак. Оиласи ҳам.

Сабий роҳларда ҳам ўйнаганимиз?

Бутун ижодим давомида икки марта сал-бий образ яратганман. "Абай" спектаклида Кейикей — қаттиққўл, жоҳил аёл образини, "Ўтган кунлар" фильмида Зайнабнинг оиласи, уни Қумушга заҳар беришга ундаган Хушрўй-бинини роани ижро этганман. Аслида менга Офтобонини роани беришган экан. Бирдан режиссёрнинг фикри ўзгарди ва ўша кунини Хушрўйбинини роани ижро этадиган актриса кемайи қолади ва мен бу роани ижро этдим. Аммо кутимизда бу роль менга муваффақият олиб келди.

Айтишларича, ҳар бир инсон ўз жуфти билан яраларкан. Агар ўз жуфтини тоғиб турмуш курсе, бахтиёрликда, аё ҳолда ҳам забун яшаркан. Бу бир ақиқат. Аммо бахтли турмуш тақдирини аъломи ёки ин-соннинг ўзига ҳам боғлиқлиги борми?

Мен яхши кўрадиган яна бир ривоят бор: Бир чўпоннинг оқила ва сойида хотини бор экан. Уларнинг бахтли яшашига ҳамма-нинг ҳаваси келаркан. Кимнингдир хонадо-нида нотинчлик бўлса, эри аёлини: "Бориб чўпоннинг хотинидан ибрат олиб кел", деб юбораркан. Бир кунни хожа ҳам хотини билан жанжаллашиб қолиб, уни чўпоннинг хотини ёнига юборибди. Шунда аёл чўпоннинг уйига бориб, дарвозасидан мўраласа, аёл офтобда исиб қолган сувдан ичаётганини кўрибди ва "Ассалоому алайкум. Менга ҳам бир пиёла сув берсангиз, чанқадим", дебди. Чўпоннинг аёли хожанинг хотини билан сурашган, "Ҳозир сизга ичкаридан муздек сув олиб чиқиб бера-ман", дебди. Бундан ажабланган аёл нега ўзи-нинг илак сув ичаётгани сабабини суради. Чўпоннинг хотини эса: "Ҳозир эрим кун ис-сиғида мол боқиб, кўзасида исиб қолган су-вини ичаётти, мен соя-салқинда ўтириб, муздек сув ичиб роҳатланам, қандоқ бўлар экан?" дея савага саом билан жавоб бе-рибди. Тўғри, бу ҳам бир ривоят, аммо ёшларимиз ибрат оласи арзийдиган ривоят. Икки ёш бир-бирини шу қадар ардоқласа, бахтли бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Шоҳида она, суҳбатчининг учун ташақ-кур! Сизларга ижодий парвозлар ҳамроҳ бўлаверсин!

"Adolat" муҳбири Саодат МАТЁҚУБ қизи суҳбатлашди

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI. Muassis: «Adolat» СДП. Spncий Kengashi.

Boш muхarrir: Ислом ХАМРОЕВ. Taxpир хайъати: Баҳром АБДУХАЛИМОВ, Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гавхар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖўРАЕВ.

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); 71 288-42-14 (144); 71 288-42-12 (132); Кабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15. Масъул котиб — Абдугани Солиқов. Навбатчи мухarrир — Камол Матёқубов.

1995 йил 22 февралдан чиқарилган. info@adolatgz.uz, adolatgz-95@mail.ru. ISSN 2091-5217. 1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Когоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Бююртма Г — 500. Адади — 6220. Босишга топширилган вақти — 21.00. Босишга топширилган — 21.10. Баҳоиси келишилган нархда. Тахририятга келган қўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.